



Ислом Нури

Бисмиллахи рохмани рохийи

Аллох Таъолога хамду санолар, Унинг мухтарам Пайгамбарига дуруду салаотлар бўлсин!

1. Аллох Таъолони яхши кўриш ва унга икбол этиш – кайрилиш хакида:

Энг ажабланарли нарса шуки:

—Аллох Таъолони танисангу, уни яхши кўрмасанг!

—Даъватчисининг даъватини эшитсангу, даъватни қабул қилмай ўзингни орқага ташласанг!

—У билан муомала қилишдаги фойда миқдорини билсангу, Ундан бошқа билан муомала қилсанг!

—Унинг газаби на қадар қаттиқ эканини билсангу, сўнгра унга қарши чиқсанг!

—Унга гуноҳкор бўлишдаги, Ундан беғоналашиш – узоклашишнинг аламини тортиб туриб, Унга тоату ибодат қилиш билан Унга яқинлашишга интильмасанг!

—Унинг сўзларидан юз ўгириб, ўзгаларнинг сўзларига қиришиб кетишда қалб нотинч бўлишини хис қилсангу, кейин унга муножоту зикрлар қилиб қалбинг ором олишига шавқли бўльмасанг!

—Қалбинг У Буюк Зотдан бошқага боғланган пайтдаги азобу укуботни татиб кўрсангу, кейин мана шу азобу укубатдан қочиб, Унга қайрилиш, Унга икбол этишдаги неъмат сари талпинмасанг!



Ислом Нури

Булардан ҳам ажаблироги шуки, сен ўзинг У Зотга мухтож эканингни, У Зотга боғланмай бошка иложинг йўк эканини била туриб, У Буюк Зотдан юз ўгириб, сени Ундан йироклаштириб юборадиган нарсаларга шавкли бўлмогинг – кизикмогингдир.

2. Такво ва гўзал хулк хакида:

Пайгамбар соллаллоху алайхи ва саллам Аллохдан такво килиш билан гўзал хулк ўртасини жамладилар (яъни, бир-бирига уйгун бўлмогини билдирдилар). Чунки, Аллохдан такво килиш банда билан роббисининг ўртасидаги алокани мустахкамлайди, гўзал хулк эса, у билан одамлар ўрталаридаги муносабатларни олий даражага кўтаради. Аллохдан такво килиш унга Аллохнинг мухаббатини вожиб килса, гўзал хулк эса, одамларни унинг мухаббатига даъват этади яъни, одамларни уни яхши кўришга чорлайди.

3. Дунёни чиройли (ўрта-миёна) талаб килиш хакида.

Пайгамбар соллаллоху алайхи ва саллам: “Аллохдан такво килинглари, (дунёни) чиройли талаб килинглари (яъни уни талаб килишда ўрта-миёна йўлни танланглари)”, деган сўзларида дунё ва охират манфаътларининг ўртасини жамлаб – уйгунлаштириб баён килдилар.

Охират неъматлари ва лаззатларига Аллохдан такво килиш билан эришилади. Калб ва бадан роҳатига, дунёга катта эътибор бермай харисликдан кутилишга ва уни топиш йўлида йўликиладиган кийинчиликларни тарк этишга эса, уни чиройли йўл билан талаб килиб муваффақ бўлинади.

Кимки, Аллохдан такво килса, охират неъматлари ва лаззатларига



Ислом Нури

мушарраф этилади, дунёни чиройли йўл билан талаб килган шахс эса, бу дунёнинг гам-ташвишлари ва кийинчиликларидан кутилиб рохатланиб қолади. Бу йўлда Аллох Ўзи мададкор бўлсин!

4. Маъсам (гуноҳга ботиш), маграм (карзга ботиш) хақида:

Пайгамбар соллаллоху алайхи ва саллам дуоларининг бирида, гуноҳга ботиш ва карзга ботиш - иккисининг ўртасини жамлаб, бу иккисидан ҳам, паноҳ беришини Аллохдан илтижо қилиб сўрадилар. Чунки, гуноҳга ботиш охирада зарар кўришни, карзга ботиш эса, бу дунёда зарар кўришни келтириб чиқаради.

5. Жухду-жиход билан хидоят топиш хақида:

Аллох Таъоло дейди: **«Бизнинг (Йўлимиз)да жиход килган - курашган зотларни албатта Ўз йўлларимизга хидоят килурмиз. Аниқки, Аллох чиройли амал килгувчи зотлар билан биргадир».** (Анкабут: 69)

Аллох Субханаху хидоят топишни жиходга боғлиқ қилиб қўйди. Энг комил инсон жиход йўли билан хидоят топган инсондир. Жиходу-мужоҳадада энг зўр бўлган киши эса, хидоятда энг комил кишидир. Жиходларнинг энг фарз ҳисоблангани нафсга, ховога, шайтон ва дунёга қарши олиб борилган жиходдир.

Мана шу тўрт нарсага қарши қимқи Аллох йўлида жиход қилса, Аллох Таоло уни Ўз жаннатига етказадиган, Ўзи рози бўлган йўлга хидоят қилиб қўяди. Ушбу тўрт нарсага қарши курашни тарқ этган одам эса, хидоят йўлидан махрум этилади.

Жунайд Бағдодий айтади: "Тавба қилиш билан, бизнинг йўлимизда



Ислом Нури

хавои нафсларига карши курашган шахсларни, ихлос йўлига хидоят этиб кўяжакмиз”.

Ботиний душманларига карши кураш олиб борган кишиларгина, зохирий душманларига карши жиход олиб боришга кодир бўладилар. Ботиний душманларга карши жиходда галаба килганлар, зохирий душманларга ҳам, голиб келадилар. Ботиний душманларига маглуб бўлганлар эса, зохирий душманларига ҳам, маглуб бўладилар.

6. Тавхиднинг самараси хакида:

Сана (йил) бир дарахтдир, ойлар унинг катта – асосий шохлари, кунлар майда – кичик шохлари ва соатлар барглари, истеъмол килинган нафаслар эса, ўша дарахтнинг самараси (меваси)дир. Кимки, нафасларини тоат-ибодатга сарфлаган бўлса, унинг дарахтининг мевалари хуштаъм-ширин бўлади. Аксинча, нафасларини гуноху-маъсиятга сарфлаган кишининг дарахти эса, аччик мева беради. Хосилни таъйинлик-киёмат кунда йигиштириб олинади, ана ўшанда кимнинг дархти ширин, кимники аччик мева берганлиги аниқ бўлади.

Ихлос ва тавхид калбдаги бир дарахтдир, шохлари амаллар, мевалари эса, бу дунёдаги покиза хаёт ва охиратдаги доимий жаннат ва ундаги хисобсиз неъматлардир. Жаннатдаги мевалар тугаб колмайдиган ва ман этилмайдиган бўлгани каби, тавхид ва ихлоснинг самараси ҳам, битмас туганмас ва ман этилмайдиган самарадир.

Ширк, ёлгон ва риё ҳам калбдаги бир дарахтдирки, унинг бу дунёдаги меваси кўркув, гам-ташвиш, юрак сикилиши-кўнгил коронгулигидир, охиратдаги мева эса, заккум (дўзах каърида ўсадиган, меваларининг шакли шайтонларнинг бошига ўхшаган хунук, таъми эса, нихоятда



Ислом Нури

аччик, дўзахийларга мевасидан мажбурий равишда едириладиган бир дарахт) ва доимий азобдир.

Юкорида айтиб ўтганимиз икки дарахтни Аллох Таъоло Иброхим сурасида зикр килди.

Аллох Таъоло дейди: *«(Эй Мухаммад соллаллоху алайхи ва саллам) Аллох яхши сўзга (яъни, иймон калимасига) кандай мисол келтирганини кўринг: У Сўз худди бир асил дарахтга ўхшайдики, унинг илдизи (Ер остига) махкам ўрнашган, шохлари эса, осмонда бўлиб, Парвардигорининг изни-иродаси билан мудом мева берур. Аллох одамлар эслатма-ибрат олишлари учун мана шундай мисоллар келтирур. Ёмон сўзнинг (яъни, куфр сўзининг) мисоли эса, худди (илдизи йўклиги сабабли) Ернинг устидан узиб олинган, бир жойда (ўрнашиб) кўним топмайдиган нопок дархтга ўхшар».* (Иброхим: 24-26)

7. Мўъминларга ёрдам беришнинг турлари хакида:

Мўъминларга ёрдам бериш бир неча турли бўлади:

- Пулу-мол билан моддий ёрдам.
- Обрў-мартаба билан хожатбарорлик тарикасидаги ёрдам.
- Насихат ва тўғри йўлга етаклаш билан - маънавий ёрдам.
- Хакларига дуолар килиб, гунохларига истигфор талаб килиш билан гамхўрлик тарикасида килинган ёрдам.



Ислом Нури

— Мусибатга учраган чоғларида, ҳамдардлик билдириш билан бўлган ёрдам... ва бундан бошқа ёрдам турлари кўпдир.

Бу ёрдамлар иймон кай даражада кучли бўлишига қараб ижро этилади. Кишининг иймони кучли бўлса, мўъмин биродарига берадиган ёрдами ҳам кучли бўлади, иймони заиф бўлса, ёрдами ҳам, заиф бўлади.

Бу ёрдамларнинг барча турида, Расулulloх соллаллоху алайхи ва салламнинг ўз саҳобаларига берган ёрдамлари энг олий даражада бўлган эди. У зот соллаллоху алайхи ва салламнинг ўз тобеъларига қиладиган ёрдамлари уларнинг у кишига эргашишларига қараб бўлар эди.

Ривоят қилинадики: “Каттик совук кунларнинг бирида, баъзи кишилар Бишр ал-Хофийнинг хузирига киришибди. Унинг кийимларини ечиб ташлаб, совукдан қалтираб – титраб ўлтирганини кўрган кишилар: “Бу нима иш? Эй Абу Наср”, дейишибди. Шунда у: “Бу совук кунларда факиру-фуқароларни совукдан азоб чекаётганларини эсладим, аммо уларга ёрдам беришга менда имкон йук, шу боис, мен ҳам совукдан кийналиб уларга ҳамдард бўлмокни истадим”, деб жавоб берган экан”.

8. Юсуф (алайхис-салом) дуоларининг фазилати хақида:

Аллох Таъоло Куръони Каримда, Юсуф алайхис-саломнинг қилган дуоларини зикр қилади. У зот алайхис-салом мана бундай дуо қилган эдилар: **«Эй осмонлар ва Ерни яратган Зот, дунё-ю Охиратда Ўзинг Хожамдирсан. (Умрим битиб, Сен Ўзинг белгилаб қўйган ажалим етганда) мусулмон холимда жонимни олгин ва мени ҳам солих бандаларинг каторига қўшгин».** (Юсуф: 101)



Ислом Нури

Ушбу дуо тавхидга икром бўлиш, парвардигорга таслим бўлиб унга мухтожликни изхор этиш, Аллох Субханахудан ўзгани валий (хожа) килиб олишдан батамом сакланиш, мусулмон холда вафот топиш банданинг энг олий мақсади бўлмоғи ва албатта бу нарса банданинг эмас Аллохнинг кўлида эканлигини билиш, охират кунини эътироф этиш ҳамда саодатга эришган солих бандалар каторига кўшишлигини Аллох Таъолонинг Ўзидангина сўрашни ўзида жамлаган муборак бир дуодир.

Ушбу фойдаларни Ибн ал-Каййимнинг “**ал-Фавайд**” китобидан танлаб олиб эркин услубда таржима килинди.

Аллох Таъоло ушбу фойдалардан истифода олишни барчаларимизга насиб айласин!

Таржимон: Аллох йўлидаги дўстингиз Абу Муҳаммад